

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 27-sentabr, shanba
№ 77 (15819)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 4 октябрь шанба кунига тўғри келиши ҳақидаги муружаатини инобатга олиб, 2014 йил 4 октябрь дам олиш кунини

деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 сентябрь

«Yosh tadbirkor — yurtga madadkor»

Янги бизнес режа ва лойиҳалар намоёниши

Мамлакат келажагининг ёруғ бўлиши, халқнинг эртанги фаровон ҳаёти бугунги ёшларнинг ақлу заковати, истеъдоди билан бирга, чуқур билим олиши, замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис бўлиб етишишларига боғлиқ. Хусусан, иқтисодий тизимнинг эртанги раванқини бугунги ёш иқтисодчи ва тадбиркорларнинг интилишлари, савий-ҳаракатлари тимсолида тасаввур қиламиз.

Президентимиз раҳнамолигида бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, халқимиз турмуш тарзининг янада юксалишига хизмат қилаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда республика ёшлар ташкилоти ҳам фаол иштирок этаётир. Ёш тадбиркор ва хунармандларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ҳаракат томонидан ўтказиб кели-

наётган турли танлов ва фестиваллар бунга мисолдир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан етти йилдан буён «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 19 — 24 сентябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ушбу лойиҳанинг навбатдаги республика босқичи иштирокчилари учун ўқув ташкил этилди.

2013 йилда мазкур лойиҳага республикамиз бўйича олти мингдан ортиқ ариза топширилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 9921тани ташкил этди. Унда ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этди.

Лойиҳа Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда қатор тижорат банклари, Ўзбекистон Савдо-санот палатаси, Ўзбекистон фермерлар кенгаши ҳамда «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

(Давоми 3-саҳифада)

ОЧИҚ ВА ЭРКИН САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябридан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ ўзА мухбирига миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, бўлажак сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик кўриши ва ўтказиш қандай принципларга асосланиши хусусида сўзлаб берди.

— Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, — дейди М.Абдусаломов. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунида мустақамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Айни пайтда сайлов тизимининг такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан таракқий этиб бораётгани ва жамиятимиз яшаётган янги шароитлар сайлов жараёнларини янада демократлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Масалан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муҳим самараларидан биридир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар жараёнига, қонун ижодкорлиги даражаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва депутатларнинг амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги

ҳам сезиларли равишда ошди.

Буларнинг барчаси бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мустақам асос яратади ва сайлов жараёнини ташкил этишга жимб этилган барча тузилмалар заримасига катта масъулият юклайди.

— Миллий сайлов тизимида мустақамланган асосий демократик принциплар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэтироф этилган халқаро нормалар инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич шакллантирилди. Ўзбекистонда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари адолатлилик, очиклик, ошқоралик ва транспарентлигининг демократик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, депутатликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиклик ва ошқоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашшига ҳар қандай уринишлар тақиқланади.



3 Хунармандга имтиёзли кредит



4 Миллий ўйинларимиз — тарбия манбаи



6 Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти юксалиб бормоқда

«Osiyo o'yinlari — 2014»

ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ЎЗ МАМЛАКАТИ ДОВРУФИНИ ДУНЁГА ЁЙМОҚДА

ИНЧЕОН. ЎЗА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.

Қитъамизнинг энг нуфузли спорт мусобақаси бўлган Осиё ўйинлари турли халқлар ва мамлакатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга хизмат қилаётир. Бу галги Осиё ўйинлари Жанубий Кореянинг Инчeon шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Унда қитъамизнинг қирқ беш мамлакатидан ташриф буюрган қарийб ўн тўрт минг кишилик делегациянинг тўққиз минг саккиз юз нафардан зиёди спортчилардир. 228 спортчидан иборат бизнинг вакилларимиз спортнинг 32 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. ЎЗА мухбири XVII ёзги Осиё ўйинларида иштирок этаётган ўзбекистонлик атлетларнинг чиқишлари, Ўзбекистонда олимпия ҳаракати ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида айрим хорижлик мутахассисларнинг фикри билан қизиқди.

Мукеш КУМАР, Осиё дзюдо иттифоқи бош котиби, Хиндистон дзюдо федерацияси президенти:

— Ўзининг шонли аънанасига эга бўлган Ўзбекистон дзюдо мактаби мустақиллик йилларида тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонга борганимда бунга амин бўлганман. Бу борада, биринчи навбатда, Президент Ислоҳ Каримов

раҳнамолигида ташкил этилаётган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мусобақалар кашф этган спортчиларнинг кўпчилиги ҳозирги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Айниқса, Дилшод Чориев, Ришод Собиров, Абдулла Тангриев ва бошқа полвонларнинг кураши менда катта таассурот

қолдирди. Кураш баҳслари кескин ва мурасасиз бўлишига қарамасдан, улар совринли ўринларни эгаллаганидан хурсанд бўлдим. Ўзбекистонлик спортчилар бундан кейин ҳам юксак натижалар кўрсатишига ишонаман.

Али МОРАДИ, Осиё оғир атлетика федерацияси бош котиби:

— Ўзбекистон — спорт мамлакати. Ўзбекистон Президент Ислоҳ Каримов спортни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Шунинг учун мамлакатингиз оғир атлетикачилари энг нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида мунтазам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Уларнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Улуғбек Алимов ва Махлий Тоғаеванинг чиқишлари менда катта таассурот қолдирди.

Людевик Дариус де КРУФ, футбол бўйича Бангладеш ёшлар терма жамоаси бош мураббийи (Голландия):

— Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси

жуда кучли. Уларнинг ўйинини катта қизиқиш билан кузатиб боряпман ва шуни айтишим мумкинки, жамоа Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўрган. Айниқса, ярим ҳимоячи Жамшид Искандаровнинг ўйини менга жуда ёқди. Ўзбекистонда бундай маҳоратли ўйинчиларнинг борлиги мамлакатингизда миллионлар ўйини янги ривожланиш босқичига чиққани ва катта истиқболга эга эканидан далolat беради.

Франсуа СААД, Ливан дзюдо федерацияси президенти:

— Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман ва мамлакатингиз жадал ривожланаётгани мени ҳайратга солади. Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодиётингиз барқарор юксалмоқда, тиббиётни такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми сифатида спортни оммалаштиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда мухташам спорт мажмуалари барпо этилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланаётганининг гувоҳи бўлдим. Масалан, Тошкентда барпо этилган замонавий дзюдо залида барча

зарур шароит яратилган. Бунинг самарасида Ўзбекистонда спорт ўз сафига кўплаб ёшларни жалб этаётган ҳақиқий оммавий ҳаракатга айланиб бормоқда. Шу тариқа янги номлар кашф этилмоқда, улар Ўзбекистон шухратини бутун дунёга ёймоқда.

Ризо НАССИРИЙ, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия кўмитаси аъзоси:

— Ўзбекистонда миллий урфодат ва аъналарга риоя этилган ҳолда, ноёб миллий спорт ўйинлари ривожланиб бораётгани таҳсинга лойиқдир. Масалан, мустақиллик йилларида тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалдиган кураш кенг оммалаштирилди. Бугун кураш нафақат спорт тури, балки юздан зиёд мамлакатда жадал ривожланиб бораётган халқаро спорт ҳаракатига айланди. Бундан ташқари, халқаро спорт майдонларида ўзбекистонлик ёш дзюдочилар, гимнастикачи, теннисчи, эшак эшувчилар ва бошқа спорт турлари вакиллари муваффақият қозонмоқда. Улар кўлга киритаётган ютуқлар Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганининг ёрқин далилидир.

ЎЗА

Юрт сарҳадлари муқаддас

Бухорода «Чегара посбонлари» мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгига сарҳадларимиз муқаддаслиги тушунчасини сингдириш, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини ошириш мақсадиди ўтказилган мазкур мусобақа вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасида Ромитан санат касб-хунар коллежининг «Темурийлар», Қорақўл тиббиёт коллежининг «Жасорат»

ҳамда Олот иқтисодиёт коллежининг «Машъал» жамоалари белгиланган шартлар асосида ўзаро беллашди. Айниқса, сафда юриш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, мерганлик шартлари иштирокчи ёшларни мард, жасур, шижоатли, қатъиятли бўлишга ундади. Жамоа иштирокчилари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий соҳаларга оид тест саволларига ҳам жавоб берди.

— Мусобақа фақат беллашувлар майдони бўлиб қол-

май, балки Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашда биз, ёшларни доим огоҳ ва хушёр бўлишга чорлади, — дейди мусобақа иштирокчиси Огабек Жўраев. — Ҳарбий акаларимизга яратилган шароитлар билан ҳам танишдик.

Мусобақа натижасига кўра, «Темурийлар» жамоаси 23 балл билан биринчи ўринни эгаллади. 21 балл тўплаган «Машъал» жамоаси иккинчи ўринни, «Жасорат» жамоаси эса 17 балл билан учинчи ўринни кўлга киритди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



ЎЗА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда «Хабас корпус» институтини қўллаш масалалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, олимлар, талабалар иштирок этди. Ўзбекистон Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ.Ҳалимов, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Э.Рўзметов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлади.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Baxteks-Farm», «DiyorBiznes» масъулияти чекланган жамиятлари тиббий анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ортилган «Саломатлик поезди» Қорақалпоғистон Республикасига етиб келди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида баркамол авлодни вояга етказиш, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадиди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акцияда пойтахтдан ташриф буюрган йигирмадан зиёд мутахассилликдаги юқори малакали шифокорлар билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг ҳудудий бўлимидаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасида «Ветеринария ва санитария профилактик тадбирларида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, тиббий-ижтимоий соҳада яратилган қулайликлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда ветеринария, санитария ишларини тартибга солиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, касалликларга қарши кураш чораларини кучайтириш, маиший шароитда келиб чиқиши мумкин бўлган хасталикларнинг олдини олиш юзасидан маърузалар тингланди. Махсус профилактик ҳамкорлик натижасида юртимизда хавфли юқумли касалликлар кузатилаётгани қайд этилди.

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида кураш бўйича маҳаллалар ёшлари ўртасида аънавий «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақасининг якуний босқичи ўтказилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ва зирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон кураш федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақада юртимизнинг барча ҳудудларидан келган ўғил-қизлар олти вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган 2014 йилги мусобақаларнинг барча босқичларида жами 151 минг 500 нафардан зиёд ёш полвон қатнашди.

Янги бизнес режа ва лойиҳалар намойиши



(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Олти кунлик ўқув давомида иштирокчиларга малакали мутахассислар, тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маркетинг», «Тадбиркорнинг бизнес психологияси», «Кичик бизнесни имтиёзли кредитлаш», «Кичик бизнесни солиққа тортиш», «Корхона маркетинг сиёсатини аниқлаш», «Кичик бизнесда бухгалтерия», «Кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш», «Тижорат банкларининг кредит сиёсати», «Бизнес режа тузиш талаблари», «Кичик бизнесда брендинг ва нейминг», «Корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш», «Юридик мақом», «Савдо-саноат палатасининг кичик бизнесга ёрдам бериш имкониятлари», «Кичик бизнесда технологиялар, уларни топшириш олиб келиш ва сотиб олиш шартлари», «Тадбиркорлик фаолиятида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш — меҳнат муҳофазасининг омили» каби мавзуларда амалий машғулотлар ва ўқув-семинарлар ташкил этилди.

— Семинар тренинглари биз, ёш мутахассислар, бўлажак тадбиркорлар учун жуда фойдали. Масалан, менинг соҳага оид қарашларим бутунлай ўзгарди, янги ғоялар, билимларга эга бўлдим, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зомин тумани кенгаши етакчи мутахассиси Шоҳиста Расулова. — Юқори даромад

олишининг осон усули борми? Қандай қилиб кичик бизнесда катта натижаларга эришиш мумкин? Ўтказилган машғулотларда ана шундай саволларга жавоб топдик. Бу ерга келган тенгдошларимиз иқтисодиётимизнинг эртанги умидлари, барчаси ақлли, билимли, ўзларининг аниқ мақсад ва режаларига эга ёшлардир. Улар билан мулоқотлардан ҳам кўп нарсаларни ўргана-япман.

Шуни эътироф этиш керакки, мазкур лойиҳа уч босқичда ўтказилди. Унда ўттиз минг нафардан зиёд ёш тадбиркор иштирок этиб, саккиз минг нафарининг 48,5 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредитларни олиши таъминланди. Ҳаракат лойиҳанинги 161 нафар ғолибига кредит фоизларини тўлашда кўмаклашди.

Лойиҳанинги эътиборли жиҳати шундаки, республика босқичига қадар Ҳаракатнинг «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари координатор ва бизнес тренерлари томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув-семинарлари ташкил этилди. Ўқув доирасида ушбу консультатив марказлар координаторлари ва тренерларининг малакаси оширилди.

Семинар-тренингларида иштирокчилар ўз бизнес режаларини қайта ишлаб, уни ҳакамлар хайъати олдида ҳимоя қилдилар. Натижада 28 нафар ёш тадбиркорга ғолиблик насиб этди. Энди уларнинг кредитларига ҳисобланган фоизлар «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан қоплаб берилиши белгиланди.

Ғолибларни тақдир-

лаш маросими пойтахтимиздаги Ёшлар маданияти ва санъат марказида бўлиб ўтди. Танловда беш нафар иштирокчи «Энг яхши экологик тоза маҳсулот», «Хизмат кўрсатиш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Ишлаб чиқариш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Хунармандчилик йўналиши бўйича энг яхши лойиҳа», «Турризм йўналишидаги энг яхши лойиҳа» номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

— «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасида «Реклама хизмати» лойиҳаси бўйича қатнашиб, ғолиб бўлдим. Қорақалпоғистон Республикасидан жами ўн бир нафар ўғил-қиз қатнашиб, олти нафари диплом ва сертификат билан тақдирланди. Бу мамлакатимизда биз, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ, билимли имсонлар бўлиб камол топишимизга қаратилаётган юксак эътибор намунаси, — дейди Нукус шаҳридан келган тенгдошимиз Мехригул Есимбетова.

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан ғолиб бўлган тошкентлик Комилжон Сиддиқов келгусида бренд даражасига кўтариладиган кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ниятида эканини айтди. — «Камолот» ЁИХ менга ўз бизнесимни бошлаш учун кўмак берди, — дейди ёш тадбиркор К.Сиддиқов. — Ёшлар ташкилотининг ёрдамига жавобан энди келажакда коллеж битирувчиларини иш билан таъминламоқчиман.

— Бир неча йилдан буён глобус ишлаб чиқараяпмиз. Корхонамиз ўз сармомиз ҳисобидан ташкил этилган, бу эса ўзига яраша қийинчилик-

ларга сабаб бўлган. Чунки ўша пайтда кредит олиш, уни қайтариш билан боғлиқ муаммолар етарли эди. Секин-аста ишлаб чиқаришни кўпайтирдик. Бугун тадбиркор бўламан, деган ёшларга барча шароитлар яратилган. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси ана шундай имкониятлардан биридир. Унда иштирок этиб, тажрибамни оширдим. Оромгоҳда тиришқоқ, ҳаракатчан тенгдошларим билан танишдим, маркетинг, психологларнинг «мас-тер-класс»ларида қатнашиб, керакли билим ва кўникмаларга эга бўлдим. Бу кейинги фаолиятимда асқотишига ишонман, — дейди Тошкент вилоятида яшовчи ёш тадбиркор Бобур Зокиров.

Лойиҳада миллий либослар бўйича бизнес режаси билан ғолиб бўлиб, «Микрокредит-банк»дан 5 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритган сирдарёлик Гулчеҳра Ҳасанова ҳам келгусида бизнес фаолиятини кенгайтириб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш асосий мақсади эканини айтди.

Дарвоқе, лойиҳа фақат бизнес режалар кўриги, семинар-тренинг, интеллектуал суҳбат ва маърузалардан иборат эмас. Унинг доирасида спорт мусобақалари, турли маданий тадбирлар ҳам бор. Ўтказилган навбатдаги ўқув оромгоҳи мобайнида ёш тадбиркорлар спорт турлари бўйича ҳам ўз маҳоратларини намойиш этди.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати томонидан «Қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш: ҳозирги ҳолати ва устувор вазибалар» мавзусида йиғилиш ўтказилди. Унда депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қонунлар тарғиботида ОАВнинг ўрни

Йиғилишда қабул қилинган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, уларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка содда, халқона тилда етказиш ва бу жараёнда ОАВ ходимларининг фаоллиги, журналистларнинг касб маҳорати, тили ҳамда услубини ошириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар асосини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб боришда жамоатчилик назоратини кучайтириш, қонунлар ижросини таъминлаш устувор аҳамиятга эга. Бу масалаларни изчил такомиллаштиришда оммавий ахборот воситалари имкониятидан фойдаланиш, улар билан ҳамкорликда жойларда назорат-таҳлил тадбирларини самарали ёритиш, аҳолининг қонунчилик борасидаги тақлифларини ўрганиш каби вазибалар йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан янада тараққий этишига хизмат қилувчи бир қанча янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бевосита тарғибот масалаларига ҳам боғлиқ. Бу жараёнда қабул қилинаётган қонунларнинг тарғиботи энг самарали восита — ОАВда йўлга қўйилиб, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш масаласи кун тартибиде турибди, — дейди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати раҳбари Ҳожиакбар Тўлаганов.

Очиқ мулоқот кўринишида ўтган йиғилиш баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой бўлди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

Мамлакатимизда миллий хунармандчиликнинг барча турлари, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар учун барча зарур шароитларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хунармандга имтиёзли кредит

Яқинда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши ўтказган «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзусидаги семинар ҳам тадбиркор ва хунарманд ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Семинарда «Марказий банк»нинг Бухоро вилоят бoshқармаси ҳамда вилоят «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда 24 нафар хунарманд ва тадбиркорга 147 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Гиждувон, Шофиркон ва Вобкент туманлари билан ҳамкорликда туманлараро ўтказилган худди шундай тадбирда ўн саккиз нафар хунармандга 95 миллион сўмлик, Бухоро, Ромитан ва Пешку туманларида фаолият кўрсатаётган йигирма нафар хунармандга юз миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат тақдим этилди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Qadriyat

Миллий ўйинларимиз — тарбия манбаи

Туронзамин халқлари азалдан фарзандларининг илиги тўқ, чапдаст, бақувват бўлиб ўсишига алоҳида аҳамият берган. Жумладан, кураш, от чопиш, югуриш, қиличбозлик бўйича тенги йўқ бўлган Соҳибқирон Амир Темур кейинчалик авлодларидан ва аскарларидан ҳам худди шундай сифатларга эга бўлмоқни талаб қилган.

Қаҳратон қиш кунларининг бирида Бобур Мирзо анҳор музини ўйиб, бир неча марта сувга шўнғиганини ёзганидан ҳам билиш мумкинки, у зот нафақат нозиктаб шоир, истеъдодли саркарда, шунингдек, жисмонан баркамол ҳам бўлган. Кўпқари, човгон, миллий кураш, дорбозлик, қиличбозлик каби миллий спорт турлари моҳиятига назар солсак, уларнинг барчаси

кишини чиниқтириб, соғлом, бақувват қилиб тарбиялашга хизмат қилишини англаймиз. Бугун юз минглаб ўзбек ёшлари профессионал тарзда шуғулланаётган миллий ўйинларимиз истиқлол йилларида қайта қадр топди. Эндиликда уларга қандайдир «эскилик сарқити» сифатида қаралмайди, аксинча, ёш авлод қалбидан гурур, ифтихор туйғуларини уйғотиш воситаларидан



бири сифатида эъзозланади.

«Олимпия шон-шухрати» музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжумани ҳам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда миллий спорт ўйинларининг аҳамияти хусусида бўлди.

Мамлакатимизда 525та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ўн учта олимпия захиралари коллежи, саккизта республика олий спорт маҳорати мактаби фаолият кўрсатётгани ёш авлоднинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб камол топишига нечоғлиқ катта эътибор қаратилаётганининг амалий тасдиғидир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, юртимизда миллий

халқ ўйинларининг мингга яқин тури мавжуд. Уларни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида турли фестиваллар, мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Анжуманда таъкидланишича, юртимизда бир юз олти миш минг нафардан ортиқ йигит-қиз миллий ва белбоғли кураш, турон кураши, ўзбек жанг санъати, кўпқари каби миллий спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар халқаро миқёсдаги мусобақаларда ўз маҳоратини намоеён этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Тадбирда халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида

кенг тарғиб қилиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида ташкил этилган «Миллий спорт маркази» фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди.

— Марказ миллий халқ ўйинларимизни оммалаштириш, кураш, белбоғли кураш, турон, кўпқари, ўзбек жанг санъати сингари спорт турларини ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги «Миллий спорт маркази» давлат унитар корхонаси раҳбари Зокиржон Расулов. — Шунингдек, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий, ўқув-услубий қўлланмалар ва инновацион усулларни жорий этиш, хориж спорт уюшмалари билан миллий спорт турлари бўйича фаолият юритаётган федерациялар мураббийлари ҳамда ҳакамлар малакасини ошириш борасида халқаро конференциялар ўтказишни режалаштирганмиз. Худудларда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича турли шоу ҳамда мусобақалар ташкил этишни ҳам мақсад қилганмиз.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Fikr erkinligi

Фикрлар хилма-хиллиги кишиларни доимо баҳс-мунозараларга чорлаб келган. Зеро, ҳақиқат баҳс-мунозараларда туғилади.

Ҳақиқат мунозараларда туғилади

Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга йигит-қизларни тарбиялаш, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, мувоҳаза маданиятини шакллантириш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги олий таълим муассасаларида «Мунозара» дебат клублари фаолият бошлади.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида вилоятдаги олий ўқув юртлири, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Мунозара» дебат клублари ўртасида «Интернет ва ёшлар: муаммо ва ютуқлар» мавзусида тадбир ташкил этилди. Қизгин кечган баҳсда олий таълим муассасаларининг олти миш нафардан ортиқ талабаси иштирок этди.

— «Мунозара дебат» клубларини ташкил этиш талабаларда таҳлил қилиш, ҳар бир масалага ҳолис ёндашиш, муаммога танқидий кўз билан қараш ҳамда нотикиқ маҳоратини оширишга ёрдам беради, — дейди «Камолот» ЁИХ Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти бошланғич ташкилоти етакчиси Абдор Раҳматов. — Бугунги мавзу ҳар жиҳатдан долзарб. Муаммо ва ютуқлар таҳлил қилинди. Талабалар билдирган фикрлар йиғилганларни бирдек мулоҳазага ундади.

Зариф КЕЛДИЁРОВ
Қашқадарё вилояти

Дўстлик ва санъат кечаси

Ўзбекистон давлат консерваториясида Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда «Beautiful Mind Charity» хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда корей санъати ва мусиқасига бағишланган концерт дастури ўтказилди.

Корея маданиятини ўзида акс эттирган мазкур дўстлик ва санъат кечасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар сингари маданият ва санъат йўналишларида ҳам янада мустаҳкамланиб бораётгани, бу борада икки давлат ўртасидаги келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиради. Жумладан, Жанубий Кореяда мамлакатимиз ижодкорларининг кўрғазмалари, концерт дастурлари юқори савияда ташкил этилаётгани, корейлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келаётгани, юртимизда корейс кинеси кунлари сингари турли маданий-маърифий тадбирларнинг



ўтказилаётгани бунга яққол мисолдир.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма йиллиги ва Наврўз байрами муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада хонандаларининг концерти ташкил этилган эди. Юртимизда фаолият юритаётган мусиқий жамолар, жумладан, «Алладин» гуруҳи ўтган йили Жанубий Кореяда ўтказилган мусиқа фестивалида иштирок этиб, Гран-прига сазовор бўлди. Жорий йилда Тошкентда Сеул боғининг ташкил қилиниши эса икки халқ ўртасидаги яқин дўстлик ва кенг кўлам-

ли шерикликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Корей санъати усталари томонидан фортепиано, скрипка, виолончель, каягим, хөгим каби чолғу асбобларида ижро этилган ранг-баранг куй-қўшиқларда дўстлик, тинчлик, гўзаллик, муҳаббат, табиат ва инсон каби мавзулар тараннум этилди. Корейс халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва эзгу интилишлари ўз ифодасини топган миллий ва замонавий чиқишлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ



Yuksalish

ЎзА фотомухбири Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат

Тиббиёт раВнақига хизмат қилади

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да VII халқаро ихтисослашган «UzMedExpo — 2014» тиббиёт кўргазмаси давом этмоқда. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Ўзфармсанот» давлат акциядорлик концерни ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг қирқдан зиёд компания ва фирмалари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Замоनावий тиббий жиҳозлар, дори-дармон, ультратовуш, рентген аппаратлари, лаборатория жиҳозлари, стоматология асбоб-ускуналари, дезинфекция, санитария-гигиена воситалари кўргазма экспозициясидан жой эгаллаган.

— Мазкур тадбирда уч юз турдаги тиббий ускуна ва жиҳозлари-

мизни намойиш этаётимиз, — дейди «Ab Form Sistem» корхонаси директори Илҳом Ҳасанов. — Корхонамизда шифохоналар учун мебеллар ишлаб чиқарилади. Чет давлатлардан реабилитация, рентген ускуналарини олиб келишда Юртбошимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги

фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тадбирда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган видеомикроскоп, ультратовуш таҳлил аппарати, жарроҳлик амалиётини бажаришда ишлатилган кресло кўпчилигининг эътиборини тортди. Бу каби маҳсулотлар арзон, сифатли, маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга мослаштирилгани билан ажралиб туради.

Тадбир доирасида «Гўзаллик ва саломатлик» лойиҳаси ташкил этилди. Унда «Fabienne Inter Group» масъулияти чекланган жамиятининг ювиш воситалари, «Salon Care at Home» косметика фирмасининг пардоз анжумлари, «Sks Consulting» корхонасининг терапия учун зарур препаратлари ҳам намойиш этила-япти.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Premyera

Агашганлар қисмати

Ватан — сўз билан ифодалаб, қалам билан чизиб бўлмайдиган муқаддас ошиён, ҳеч нарсага алмашилмайдиган, ҳеч нарса билан ўрни тўлдирилмайдиган гўша. Ватанга муҳаббат юракларимизда жўш урар экан, беихтиёр ўз она маконидан узоқда юрганлар ҳоли бизни қизиқтира бошлайди.

«Ўзбекино» миллий агентлиги буюртмаси асосида «Ватан» киностудиясида тасвирга олинган «Гумроҳлар» бадийий фильми орамиздаги ана шундай инсонлар тақдирдан сўзлайди...

Юртимизнинг Андижон, Тошкент шаҳарлари ҳамда Америка Қўшма Штатлари ва Туркияда суратга олинган картинада ўзбек халқининг осуда ҳаёти ва раВнақига путур етказмоқчи бўлган айрим кимсаларнинг кирдикорлари фош қилинади. Фильм ёшларнинг мафкуравий иммунитетини оширишга хизмат қилиб, барчани бирдек огоҳликка чақиради. Ўз Ватанига иғволар ёғдириб, «беш-олти сўм пул учун виждонини ҳам, тинчлигини ҳам сотадиганлар, қўли ошга борган халқнинг бурнини қонатмоқчи бўлган гумроҳлар»нинг аянчли тақдирдан ҳикоя қилади. Картинада Ватанидан олисда яшаб, юртнинг бир ҳовуч тупроғига зор бўлган кишиларнинг тақдир тоғдек бойлик билан ҳам тўқис бўлмаслиги рўй-рост кўрсатилган.

Фильм сюжети ҳаётдан олинган, қаҳрамонлари ҳам шу замон кишилари. Шу боис, у томошабинни бутунлай ўзига ишонтира оладиган ҳолис руҳга эга. Хорижда диний экстремистик гуруҳлар ҳаракатларидан олинган реал тасвирлар эса фильмнинг ишонарлилик даражасини янада оширган.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Ҳилол Насимов суратга олиш жараёни ҳақида гапирар экан: «Картина ўзидан-ўзи пайдо бўлмади. Ўн сониялик кадрни саккиз соат олишга тўғри келган пайтлар ҳам бўлди. Шундай мусофирларни кўрдикки, Ватани ҳақида сўз очсак, икки гапнинг бирида кўзига ёш олади. Кулиб турса ҳам, кўнгли

йиғлайди, қолганларининг эса бахти тўқис эмаслиги шундоққина юзидан маълум. Хориж шаҳарларининг бирида суратга олиш майдонига кетаётган эдик. Трамвай ҳали манзилга етмаёқ тўхтади. Тушсак, одамлар талвасада, тўрт томонга қочапти. Меҳмонхона йўли томонга бурилиб, минглаб диний ақидапарастлар кўчани тўлдириб кетаётганига гувоҳ бўлдик. Тезда шу жойнинг ўзида суратга олишни бошладик. Тўғриси, бундай пайт шаҳарнинг гўзаллиги ҳам, таровати ҳам кўринмас экан, ичимизда тезроқ съёмка жараёнини тугатсак-да, тинчгина юртимизга қайтсак, деган ягона мақсад бўлди».

Дарҳақиқат, киноижодкорларининг кўнглидан ўтган шу каби туйғулар фильмга ҳам сингган. Фильми томоша қилар экансиз, сценарий муаллифининг маҳоратига тан берасиз. Қаҳрамоннинг Ватани устидан мағзава ағдараётганларга қараб айтган гаплари томошабинда шу каби «гумроҳлар»га нисбатан нафрат уйғотмай қолмайди: «Бугун Дарвиннинг назариясини инкор қилувчи яна бир ҳақиқат ойдинлашди: Одам маймундан эмас, маймун одамдан тарқганига амин бўлдим. Оёғи ердан узилмаганлар одаму, узилганлари маймун бўлиб дарахтга чиқиб кетган. Шундай тоифа одамлар борки, улар қорни тўйган жойни Ватан дейдилар. Аслида улар маданиятидан, урф-одатидан, миллатидан мосуво бўлган тирик мурда эканлигини тан олишдан кўрқадиغان мавжудотлардир».

Киноасар томошабинга ҳар қандай разиллик бемехр, виждонсиз кимсалар қалбида илдиз отиши, бундай инсонлар бора-бора илдизини ўзи чопишини уқтиради. Қаҳрамоннинг сўнги йилларда Тунис, Миср, Сурия каби мамлакатларда қурбон берилган уч юз мингдан ортиқ инсонлар ҳақидаги мулоҳазаси ҳам, ҳар биримизда юртимизнинг шундай тинч ва дорилон кунларга шукрона айтишга чорлайди. Картина, шунингдек, оила каби муқаддас даргоҳни авайлаш, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этади.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Xolis nigoh

Исм — инсон зийнати

Яқинда интернетда юртдошларимиздан бири ўғлига Неймар деб исм қўйганини ўқиб қолдим. Мен-ку, бу исмни ўша боланинг ота-онаси футболнинг ашаддий ишқибози бўлгани туфайли қўйганини тушундим, лекин ҳаммаям футболга қизиқмайди-ку?

Глобаллашув деганлари шу масалада айрим одамларга салбий таъсир этаётгани рост. «Эркин, демократик жамиятда ҳамма нарса мумкин» деган қараш билан яшайдиганлар бугун фарзандига етти ёт бегона бир одамнинг исмини қўяди, эртага бирор хорижий фильм «қаҳрамон»и (у инсон ҳам, бирор махлуқ ҳам, робот ҳам бўлиши мумкин) ёқиб қолса, унинг номи-ни қўяди...

Фарзанд дунёга келгач, унга муносиб, маъноли исм қўйиш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Исм танлашда унинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор қаратиш керакки, келгусида одамлар болани шу ном билан чақирганда уялиб қолмасин, дейилади китобларда.

Исм инсон тақдирига қисман бўлса-да таъсир кўрсатади. Ота-боболаримиз, моларимиз Амир Темурдек

мард ва жасур ўғлон, Мир Алишердек етук ва баркамол инсон, Улугбекдек буюк олим, Тўмарисдек кўркмас, Нодирабегим каби оқила ва доно, Кумушбиби сингари ҳаёли ва иболи бўлиб вояга етсин, деган эзгу ният билан буюк шахсларга ҳавас қилиб ўз фарзандлари ва набираларига исм танлайди.

Айрим ҳолларда, кўча-кўйда, ҳатто, оилада ота-оналар ўз дилбандлари, ака-ука, опа-сингил, дўст-биродарлар, яқинларининг исмини қисқартириб ёки маънисиз лақаблар билан чақириларининг гувоҳи бўламиз. Онанинг ўз фарзанди билан мулоқотига эътибор қаратинг: — Нилу, дарсдан келдинг-

ми, Беги ҳам мактабдан қайтдимми?

Бугун бундай муомала оддий ҳолга айланиб бормоқда. Кўшнимизнинг фарзандлари Нилуфар ва Беҳзодни мактабда ҳам шундай чақирдилар.

Бир куни уларнинг отасига ўзимни ўйлантираётган саволни бердим.

— Нега фарзандларингизни тўлиқ исмлари билан чақирмайсиз? Ахир, уларнинг бошқалар ҳавас қилса арзийдиган исмлари бор-ку?

— Болаларимни кичкина-лигидан эркалатиб, гоҳо ҳазиллашиб шундай чақирдик. Улар катта бўлганда ҳам бу одатий ҳолга айланди. Вақтида бунга эътибор ҳам бермабмиз. Фарзандларимиз

ҳам бунга кўникиб қолган. Энди тўлиқ исмлари билан чақириб ҳаракат қилармиз. Лекин бунга кўникиш қийин кечяпти.

Дарҳақиқат, бундай эътиборсизлик, вақти келиб ноҳуш ва ноқулай вазиятларни юзага келтириши мумкин. Фарзанд улғайгач, муайян жамоага қўшилади, бирон ташкилотда ишлайди. Шунда ҳам уларни турли лақаб ёки чала-ярим исм билан аташса...

Зангори экран орқали кўп бор томоша қилганимиз «Учрашув» фильмидаги «Лампашиша» телеҳажвияси замирида ҳам (унинг қаҳрамони ҳаммани ноҳўя лақаблар билан атади) аслида катта тарбиявий аҳамият, чуқур маъно-мазмун бор. Бу ҳақда янада чуқурроқ мулоҳаза қилсак, унинг оқибатларини ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмайди.

Миролим ИСАЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

Самарқанд шаҳрида 1 — 3 октябрь кунлари БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтади. ЎЗА мухбири ушбу сессиянинг мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиш ва янада ривожлантиришдаги аҳамияти, соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида «Ўзбектуризм» миллий компанияси раисининг ўринбосари Анвар ТЕМИРХҲАЕВ билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон қадим тарихи, ноёб меъморий обидалари, маданий ёдгорликлари, гўзал ва ранг-баранг табиати билан дунё эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда, — дейди А.Темирхўжаев. — Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, замонавий сайёҳлик инфратузилмаси, халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги туризмни ривожлантириш учун кенг имконият яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Янги-янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари барпо этилмоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, сервис яхшиланмоқда. Бу юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимининг кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишида муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимиз тарихий қадимжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Юртимизда етти мингдан ортиқ меъморий ва археологик обидалар мавжуд. Бундай бебаҳо мерос халқимизнинг битмас-туганмас бойлигидир.

Юртимиз табиати гоё ранг-баранг, бетакрор. Бу ерда пурвиқор тоғлар ҳам, дашту чўллар ҳам, дарёо кўллар ҳам бор. Бу экотуризмни ривожлантириш, саёҳатларни қизиқарли ташкил

этиш, ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу имкониятларни кенг тарғиб этиш, курортлар ҳамда сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Масалан, тарихий обидалар камроқ бўлган жойларда экотуризм, геотуризм, off-road саёҳатлари, тоғли зоналарда альпинизм, рафтинг каби экстремал туристик хизматлар ташкил этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир қанча ўтов оромгоҳлари, кемпинглар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари барпо этилди. Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи, Амударё ва Айдарқўл соҳиллари, Қизилқум чўли, Нурота ва Бойсун тоғ тизмалари каби табиат гўшалари бўйлаб янги сайёҳлик йўналишлари ташкил қилинди.

Халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, этнографияси, хунармандчилиги хорижликларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу халқ амалий санъати маҳсулотларида ўз ифодасини топади. Сайёҳларнинг қизиқиши ва талабидан келиб чиқиб, бундай маҳсулотларни сувенир ҳолида тайёрлаш бўйича ишлаб чиқа-

риш тизими ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда беш юздан ортиқ корхонада тайёрланаётган бежирим сувенирлар дунё бўйлаб тарқалмоқда.

Бундай тизимли ишлар самарасида мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётди. 2011-2013 йилларда мамлакатимизга келган хорижлик сайёҳлар сони 129,5 фоизга ошди. Турист хизматлар ҳажми 175,8 фоиз, туристик хизматлар экспорти эса 180,2 фоиз ўсди. Мингдан ортиқ сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 550 га яқин туроператор ва агентликлар, қарийб 500 меҳмонхона уларга хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ҳудудий дастурларга мувофиқ сайёҳлик соҳасини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Маданий мерос объектларини реставрация қилиш, туристик объектларни қуриш ва таъмирлаш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида йўлдош соҳаларни такомиллаштириш — туризм соҳасига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, банк хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, автомобиль йўллари, сайёҳлик объектларининг муҳандислик инфратузилмасини барпо этиш ва модернизациялашга, ҳаво ва темир йўл транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича миллий ва халқаро семинар-тренинглар ташкил қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг бу имкониятларини халқаро миқёсда намойиш этиш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси, соҳага оид кўплаб тадбиркорлик субъектлари халқаро сайёҳлик кўргазмаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда юртимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Истанбул, Токио каби ўнлаб шаҳарларда ўтказилган туризм анжуманларида ўз таклифлари билан қатнашди.

Компаниямиз томонидан ўтган йили сайёҳлар учун қатор фойдали лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, welcomeuzbekistan.uz сайти ишга туширилди. Мазкур веб-саҳифа орқали сайёҳлар мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликлар, сайёҳлик йўналишлари, гидлар, таржимонлар, миллий қонунчилик, тарих, география, иқлим, халқ амалий санъати, маданият ва урф-одатлар, набот ва ҳайвонот олами, музейлар, рестороанлар ва бошқалар ҳақида зарур маълумотга эга бўлиши мумкин.

«Евроныйс» телеканалида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги реклама роликлари намойиш қилинмоқда. — БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясини ўтказишга тайёргарлик ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти аъзолари Ижроия кенгашининг ушбу сессиясини айнан Самарқанд шаҳрида ўтказишни бир овоздан маъқуллагани бежиз эмас. Самарқандда азалдан илм-фан, савдо ва хунармандчилик ривожланган. Бутун дунё олимлари, савдогарлари, саёҳатчилари бу ерга интилган. Бугунги тил билан айтганда, Самарқанд ҳамisha туризм маркази бўлган. Бу кўҳна шаҳарнинг

ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани, ЮНВТОнинг минтақадаги ягона — Буюк Ипак йўлида сайёҳликни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича минтақавий офиси шу шаҳарда жойлашгани ҳам унинг халқаро аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Мазкур сессия жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан янада кенгрок таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун яна бир қулай имкониятдир. Анжуман иштирокчилари юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, фурсинкор табиати ва туризм инфратузилмаси, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий, илмий ва маданий обидалар, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 1 августдаги фармойишига мувофиқ ушбу тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилди.

Мамлакатимизда 6-8 октябрь кунлари яна бир халқаро анжуман — «Ипак йўлида туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилади. Бу юртимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳон миқёсда кенг тарғиб этиш, хорижлик сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлади. Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни кенгрок жалб қилиш бўйича чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашилади, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Қисқача айтганда, ушбу анжуманлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларга янги суръат бағишлайди.

ЎЗА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди.

Маҳалла ва yoshlar

Маҳалла азалдан тарбия маскани ҳисобланган. Ўзини ўзи бошқариш органларида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Маҳалла тарихини ўрганамиз» кўрик-танлови ёшларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд тарихини янада чуқурроқ билишларида муҳим омил бўлмоқда. Яқинда мазкур танловнинг Нурота туман босқичи бўлиб ўтди.

Маҳалла тарихини ўрганамиз

Танловда иштирокчилар учта шарт асосида маҳаллалари тарихини қанчалик билишини намоён этди. Маҳаллада ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, «Маҳалла тарихини ўрганамиз» мавзудаги иншолар танлови ҳамда ҳудуднинг ўзига хос қадриятлари, ёшларга ибрат бўладиган инсонлар ҳақидаги саҳна кўринишлари уларнинг бу борада қанчалик билим ва кўникмага эга эканлигини яна бир бор синовдан ўтказди. Танлов натижаларига кўра, тумандаги «Оқ мачит» маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Миришкор» ҳамда «Сайдота» ва «Эшон Судур» маҳаллалари ёшларига эса иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Шунингдек, танловда маҳаллалараро «Энг намунали яраштирувчи комиссия», «Энг намунали ота-оналар университети» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Jurnalning yangi soni

Сиёсий ғаромликка ундоғчи манба

Илмий, маърифий йўналишдаги мақолаларни ўзбек, рус, инглиз тилларида тақдим этаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг янги сони ўқувчилар эътиборида.

Илк саҳифа «Ягонасан, муқаддас Ватан!» сўзлари билан очилади. «Истиқлолнинг буюк ютуқларидан бири — юртимизда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори яратилгани билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўтган даврда ана шу мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосида туб маъмурий ислохотлар амалга оширилди, давлат ва хўжалик бошқарувининг таркибий тузилиши модернизация қилинди ва янгиланди. Жойларда ҳокимлик институти жорий этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар Ўзбекистон демократик қадриятлар тарафдори эканининг ёрқин ифодасидир» каби фикрлар ушбу ма-

қолани ўқиган кишини бефарқ қолдирмайди.

«Демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият ҳаётининг барча соҳалари ахборот, ахборот технологиялари билан боғлиқлигининг ўсиши шароитида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши учун энг самарали восита, бу — тизимли ва мақсадли йўналтирилган давлат ахборот сиёсатидир.

Бу жараёнларда давлат ахборот сиёсати қанчалик аҳамиятли? Фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши ва ривожланишида у самарали воситага айлана оладими?.. Ушбу жараёнда давлат фуқаролик жамияти билан қандай муносабат ўрнатади?».

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта илмий ходим-изланувчиси Фанишер Мама-товнинг «Ахборот сиёсати ва инсон омили» мақоласини ўқисангиз, бу саволларга жавоб топасиз.

«Мустақиллик ва сиёсий партиялар» рукнида Содиқжон Турдиевнинг «Дастурий вазифалар учун имкониятлар, ислохотлар муваффақияти учун масъулият», Ҳ.Кетмоновнинг «Кўппартиявийлик тизими — демократик ислохотларнинг муҳим омили», С.Отмуратовнинг «Истиқ-



лол — миллий тикланиш ва юксалиш имконияти», Н.Умаровнинг «Сиёсий партияларнинг родини кескин кучайтириш — демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг муҳим омили», М.Абдусаломовнинг «Эркин ва демократик сайловларни ўтказишни таъминлаш», Ш.Якубовнинг «Сайлов жараёнларида сиёсий партия ваколатли вакили ва кузатувчисининг иштироки», Н.Нурматовнинг «Оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги ўрни ва аҳамияти» каби мақолалар ҳам журнал мазмун-мундарижасини бойитган.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

ОЧИҚ ВА ЭРКИН САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Сайловларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро тажриба ва мамлакатимиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни берилгани ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу норма атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва фуқаролар саломатлигини яхшилаш масалаларининг муҳимлигини ва уларнинг ҳал этилишидан аҳолининг барча қатламлари манфаатдор эканидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган.

— 2014 йилдаги сайлов қандай хусусиятларга эга, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига қандай ўзгаришлар киритилди?

— Мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик органларига бўлажак сайлов янги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли комплекс ислохотларни амалга оширишда эришилган улкан муваффақиятлар эътибор ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда ва Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга. Аввало, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланиб, сўнгги йилларда иқтисодий барқарор ўсиш суръатларининг 8 фоиздан кўпроқни ташкил қилаётгани, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг узлуксиз ошиб бораётгани, шунингдек, уларнинг фуқаро сифатида ўзини ўзи англаши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани энг катта ютуғимиздир.

Президентимиз Ислам Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал суръатда модернизация қилиш ва янгилаш жараёни билан боғлиқ янги талабларга мувофиқ келгуви давр учун, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида янги вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг белгилангани муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш чоғида Асосий Қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди. Бун-

дан ташқари, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайди. Жойларда ислохотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ушбу барча ўзгаришлар қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаолигини ошириш, партиялараро рақобатни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловларнинг демократлиги, очиклиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатига айланди.

Концепцияни татбиқ этиш доирасида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини олиб боришда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов кунини ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқоти га йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларга овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунини жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилиш), жумладан, уларни умумий фойдаланувдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норма киритилди. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш кафолатини кучайтиради.

Кузатувчиларга Қонунчилик палатаси депутати сайлово бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу мамлакатимизда сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралигини принципларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси ушбу талабларни инобатга олган ҳолда, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда тасдиқлади.

— **Айтинчи, мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ва унда сайлов кампанияси давомида ҳал этилиши лозим бўлган қандай вазифалар қўйилган?**

— Қонунчилик талаблари ва халқаро сайлов стандартларига тўлиқ мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ушбу дастурда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаб ва вазифалар, аниқ вақт жадвалига биноан бўлажак барча тадбирлар ва масъул тузилмалар белгиланган. Бу сайлов-

га юксак демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокчини таъминлаш имконини беради.

Чунончи, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётдаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишга оид зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаолигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратиш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада сайловда иштирок этаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг янги нормаларини уларнинг сайлов ҳуқуқларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нукта назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар — Тадбирдорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловда иштирок этиш истиқоли билдириди.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингга имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партия парламент сайловда иштирок этиш ва депутатликка номзодлар кўрсатишга ижозат олиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган мuddатда рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларида фойдаланишларига қўмаклашишга катта аҳамият берилади.

Бунда сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз ва аниқ риоя этиши муҳим талаб ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан, дастурда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик қоида-

сини изчил ва сўзсиз амалга ошириш зарурлиги қайд этилган. Ҳеч қим, сайлов жараёнига аралашши мумкин эмас. Авваламбор, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари сайлов кампанияси жараёнига аралашш, қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомилик ҳолатларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади.

Сайлов кампанияси иштирокчиларининг бирортасига бирон-бир имтиёз ва устуллик берилиши истисно қилинади. Сайлов қонунчилигининг меъёрлари, талаблари, қонунда ва ушбу дастурда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хил ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу муҳим вазифаларни бажариш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари, сайлов комиссиялари, сайлов қонунчилиги соҳаси олимлари ва мутахассислари салоҳиятидан фойдаланилмоқда.

Мисол учун, мамлакатимиз ва чет эл экспертлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган қатор тадбирлар ташкил этилди. Парижда «Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт», Тошкентда «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари», Самарқандда «Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиклик, ошкораликни таъминлаш ва қонунга риоя этишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида қатор халқаро конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларнинг ўтказилиши чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари ва экспертлар ҳамжамиятини Ўзбекистонда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида тўлиқ ва холис хабардор қилишга ёрдам берди.

Бундан ташқари, кенг жамоатчиликка 2014 йилги сайлов кампаниясининг барча жиҳатларини тушунтириш мақсадида етакчи олим ва экспертларнинг марказий ҳамда ҳудудий теле- ва радиоканалларда 300 дан зиёд чиқишлари ташкил этилди, марказий ва маҳаллий босма нашрларда 570 дан ортқ мақола чоп этилди, интернетдаги хорижий сайтларда 580 дан зиёд материаллар жойлаштирилди.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар доирасида бўлажак сайловларнинг мазмун-моҳияти, сайлов кампанияси ҳар бир босқичининг асосий вазифалари очиб берилмоқда. Сайлов масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар, рисола ва услубий қўлланмалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси негизида қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этилди, 120 нафар ОАВ вакили ўқитилди. Бундан ташқари, жойларда «Сайловларни ёритишда ОАВнинг роли» мавзусида ўтказилган 14 давра суҳбатда ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг 370 нафар журналисти иштирок этди.

— **Бўлажак сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари фуқаролик институтларидан

бири сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Улар демократик кадрлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, уларнинг ўз фикр ва фикрларини, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокчини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, улар фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайловолди дастурлари, депутатликка кўрсатаётган номзодлари, сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш лозим. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни очиклик, ошқоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда муҳим восита бўлиб, фуқаролик жамиятининг сайловда фаол иштирок этишига жиддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципида амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Бундан ташқари, улар фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов жараёнида жамоатчилик назорати вазифасини бажаради.

Сайлов жараёнининг барча босқичлари очиклиги, ошқоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида ОАВ орқали ўз вақтида холис хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишлаб ўтказиладиган брифинглар, матбуот анжуманларини ташкил этади, мамлакатимиз ва чет эл ОАВ вакиллари билан муҳим демократик жараён мизан боғлиқ зарур ахборот материаллари билан таъминлайди. Айни пайтда журналистларнинг Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz сайтида эълон қилинган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига хорижий ва миллий ОАВ вакиллари мурожаатлар келиб тушмоқда.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар давом этмоқда. Мазкур ишлар сайлов тўғрисидаги қонунчилик, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган дастур ва тадбирлар календарь расмисига қатъий амал қилган ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Қонун талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этиш, шубҳасиз, бўлажак сайловни демократия принциплари асосида очик ва ошқора ўтказишни таъминлайди.

ЎЗА мухбири
Мехрибон МАМЕТОВА
суҳбатлашди.



Рустам Назарматов олган сурат

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Tasviriy san'at

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Озод ва обод юртнинг баркамол авлодимиз!» мавзуида расмлар танлови бўлиб ўтди. Унда юз нафардан ортиқ ёш мўйқалам соҳиблари «Юртимизнинг гўзал жамоли», «Мафтункор ранглар олами», «Бунёдкорлик намуналари», «Ватанпарварлик руҳида тасвирланган энг яхши расм» йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча етакчилар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танлов иқтидорли ёшлар-

ни аниқлаш, уларнинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, санъат ҳамда бадиий ижодга бўлган қизиқишларини янада

оширишга хизмат қилади.

— Бугунги танловда «Ватанпарварлик руҳида тасвирланган энг яхши расм» йўналиши бўйича қатнашдим. Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони акс этган ижодий ишим билан биринчи ўрин соҳиби бўлдим, — дейди Тошкент шаҳридаги 243-мактаб ўқувчиси Шохрух Усмонов.

Тадбир сўнггида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА
«Turkiston» мухбири

Ajabo!

Ойда боғ яратишмоқчи...

Ер билан Ой ўртасида 384 минг 400 километр масофа бор. Бу жуда ҳам яқин масофа эмас, бироқ бу ҳолат сайёрамиз билан унинг табиий йўлдоши ўртасидаги «ришта»лар мустақамлигига асло халал бераётгани йўқ. Гап шундаки, ўтган асрнинг 50-, 60-йилларида бошланган «саёҳат»лар бугун чинакам «дўстлик ва ҳамкорлик» алоқаларига айланиб бораётир.

Глобаллашув жараёнида инсониятнинг мақсадлари кенг қулоқ ёзди. Афтидан, қурраи заминни ўрганиб чиққан одамзот сайёранинг табиий йўлдошида ҳам ўзини синаб кўрмоқчи. АҚШ ҳукумати Ойда миллий боғ ташкил этиш борасида қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришган. Россия эса 2030 йилда Ой сари ўз фазогирларини юбориш ниятида. Йўлдош борасида Хитойнинг ҳам ўзига яраша режалари мавжуд. Унга кўра, хитойликлар фазода ҳарбий база қуришни режалаштирмоқда. Чин юрти

илгари сураётган лойиҳа мавҳумдек кўринса, Япония анча фойдали ишларни амалга оширмоқчи. Яъни японлар Ой юзасида қуёш электростанциясини қуришни мақсад қилган.

Ер юзига энг яқин осмон жисми сайёрамиз массасидан 81,3 марта кичик. Шу боисдан, Ер юзига 49та Ойни «сиғдириш» мумкин. Қизиги, табиий йўлдошда оғирлик кучи сайёрамиздагидан 6 баробар кам.

400 миллион йил аввал Ер юзидан бир кечакундуз 22 соатга тенг эди. 4,5 миллиард йил муқаддам эса (энди йўлдошга айланганида) Ой ҳозиргига қараганда Ерга икки баробар яқин масофада жойлашган эди. Бироқ ҳар йили 38 миллиметрга узоқлашиб бораверилади. Яна бир маълумот. Биз «ой нури», «ой ёруғи» деган жумлаларни ишлатамиз. Қизиги шундаки, Ой ўзидан ёруғлик таратмайди, балки Қуёш нурларини қайтаради, холос.

Интернет манбалари асосида
ЎзМУ талабаси
Улуғбек РАҲМОНҚУЛОВ тайёрлади.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

XVI асрда Италияда турли янгиликларни бир варақ қозоғга ёзиб, бозор ёки бошқа жамоат йиғиладиган жойларда сотиш одат тусига кирди. Ҳар бир варақ янгилик бир танга эвазига сотиб олинарди. Кейинчалик бутун бир оммавий ахборот воситаси ўша танга номи билан аталадиган бўлди.

Айтинг-чи, бундан беш-олти асрлар муқаддам матбуотнинг оммалашшига хизмат қилган танганинг номи нима?

Жавобингизни **30 сентябрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Ноғора.

Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков, Азиза Ҳожиқурбонова тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл,
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл, жўр бўл,
Она юрт ҳурмати, Ватан ҳурмати,
Халқимнинг ҳурмати, ғолиб бўл, зўр бўл.

Гафур Гулом

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРҚОРЛАР!

Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларининг рухсатисиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашувларга йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа саволлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси	8-371-234-01-09
Қорақалпоғистан Республикаси ИИБ ЁХБ	8-361-223-19-86
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ	8-374-223-18-96
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ	8-365-222-82-85
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ	8-372-223-56-10
Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-375-221-14-64
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ	8-436-770-25-73
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ	8-369-227-31-38
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ	8-366-233-51-00
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-376-223-21-81
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-367-226-08-58
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ	8-371-261-64-36
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ	8-371-234-50-98
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ	8-373-244-68-14
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ	8-362-227-24-11

Изоҳ: Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва республика-мизнинг бошқа минтақаларида ёнғинлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида «101» рақами ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги
бош бошқармаси